



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 133 (11.444)

Баҳоси эркин нархда



**МУСТАҚИЛЛИК**  
**18**

**Дунёда шаҳарлар кўп. Ҳар бирининг ўзига хос қиёфаси, кўрку таровати, тарихи бор. Аммо тарихи минг йилларга бориб тақаладиган кентлар у қадар кўп эмас. Жонажон пойтахтимиз — азим Тошкент ана шундай шаҳарлар сирасига киради.**

*«Мустақиллик биз учун — ўзлимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишининг гаровидир»*

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



### БУЮК МУТАФАККИР НОМИДАГИ КЎЧА

Бугунги кунда шаҳар янада чирой очиб, аввалгидан-да ёрқинроқ гўзаллик ва тароват касб этаётир. Айни кунларда Тошкент йигирма икки асрлик кўлуг тўйини нишонлаш арафасида турибди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига асосан юртимизда мазкур байрамни кенг нишонлаш учун тайёргарлик ишлари қизгин давом этмоқда.

Тошкентнинг қай гўшасига борманг, қайси кўчасини кезманг, истиқлол йилларида эришилган улкан ютуқлар, олиб борилаётган кенг миқёсдаги қурилиш ва бунёдкорлик ишларини кўриб, кўзингиз қувнайди, қалбингиз гурур ва ифтихорга тўлади.

Дарҳақиқат, кўчалар азалдан халқнинг турмуш тарзи, салоҳияти, маданиятини бамисоли кўзгудек ўзида акс эттириб келган. Шу боис аждодларимиз кўчаларнинг кенг ва раволиги, тоза ва саранжом-саришталлиги, обод ва файзли бўлишига катта эътибор қаратганлар.

Испан сайёҳи Рюи Гонзалес де Клавихо кундаликларида Соҳибқирон Амир Темури ўз салтанатининг пойтахти ва бошқа йирик шаҳарларида кенг, ораста кўчалар очиб, уларда шарқона мезморчилик анъаналари асосида савдо дўконлари, хунармандчилик устaxonалари барпо этганини ёзган. Бугун ҳам гўзал пойтахтимизнинг файзли кўчалари бўйлаб сайр қилар экансиз, азалдан халқимизга хос бўлган ана шундай бунёдкорлик салоҳиятининг амалдаги ифодасини кўрасиз.

...Алишер Навоий кўчаси Тошкент шаҳрининг тарихий, йирик ва марказий кўчаларидан бири. Шаҳарнинг Амир Темури шохқўчаси ва Беруний кўчаси оралигида жойлашган, узунлиги тўрт километрдан узунроқ бўлган бу кўчани пойтахтимизнинг қон-томирларидан бири, десак, янглишмаймиз. Кўчанин ҳар икки тарафида қад ростлаган бир-бирдан гўзал, ҳашаматли, замонавий бинолар меҳмон ва сайёҳларнинг эътиборини тортади.

Бу кўча мутафаккир шоир Алишер Навоий номи билан аталадиган ушбу кўча тарихий аҳамиятга молик, — дейди тарих фанлари доктори, профессор Мирсодиқ Исоқов. — Юртимизнинг тарихий гўшаларидан бири бўлган, истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси билан қайта чирой очган Шайхонтоҳур — Шайх Хованди Тоҳур ёдгорлик мажмуаси, Қўқалдош мадрасаси ва бошқа кўплаб тарихий обидаларнинг айнан шу кўчада жойлашгани ҳам унинг нақадар тарихий аҳамиятга эгалигини кўрсатади.

Ўтмишда бу кўчанин икки тарафида Корёғди, Занжирлик, Катортрак, Баланدمачит, Ховузбўйи, Қаландархона, Говкуш сингари маҳаллалар бўлган. Мағрибу Машриққа донги кетган Тошкент камонлари ҳам ўрда яқинидаги Мерганча, Ўқчи маҳаллаларида моҳир усталар тарафидан ясалган ва дунёнинг турли мамлакатларига олиб кетилган.

Бу кўча ўтмишда Катта кўча, Тошқўча сингари номлар билан аталган. 1893 йилдан унга шаҳарнинг қадимий даҳаларидан бири — Шайхонтоҳур номи берилган. У Анҳор устида қурилган ўрда кўприги орқали

Тошкентнинг Янги ва Эски шаҳар қисmlарини боғлаб турган. Бир аср муқаддам Тошкентдаги биринчи трамвай ҳаракати ҳам айнан шу кўчада йўлга қўйилган.

— Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан мазкур кўчага улуғ мутафаккир ва шоир номи берилган, — дейди Тошкент шаҳар ҳокимлиги хузуридаги Топонимия бўлими бошлиғи Эргаш Исмаилов. — 1949 йилда бу ерда буюк бобокалонимизнинг муҳташам ҳайкали ўрнатилган. Ҳазрат таваллудининг 525 йиллиги арафасида эса мазкур ёдгорлик ўрнатилган ҳудудда Шоирлар хиёбони ташкил этилган.

Кўчанин бошланиш қисмида, бир-бирига қарама-қарши буй чўзган "Марказий" ва "Дедеман Силк Роад" меҳмонхоналари етти иқлимдан келган сайёҳлар ва меҳмонлар хизматида. Шу кўчадан жой олган "Туркистон" саройи кўплаб тантанали тадбирлар, байрам кечалари, кўнгилочар томошалар, концерт дастурлари намойиш этиладиган маърифат масканлари сирасига киради.

Шаҳримизнинг қоқ марказидаги Мустақиллик ва Хотира майдонлари мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан бутунлай янги қиёфа касб этди, янада обод ва ораста манзиларга айланди. Улар замонавий монументал санъатимизнинг ноёб намуналари сифатида тан олинган. Бу ердаги Мустақиллик монументи, Эзгулик аркаси халқимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажagini, асрий орзу-умидлари ижобатини, Ватанимиз эрки ва саодатини ўзида яққол ифода этади.

(Давоми 2-бетда).

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг йиғилишида «Бухгалтерлик ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси тизимида ижро этилиши масаласи атрофида кўриб чиқилди.

• Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган йиғилишда «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Қонунининг бажарилиши юзасидан «Ергеодезкадастр» Давлат қўмитасининг ахбороти эшитилди.

• Тошкент вилояти галлакорлари қабул пунктларига 302,8 минг тонна сара дон топшириб, шартномавий мажбуриятни бажардилар. Суғориладиган ерларда ҳосилдорлик ўртача 52,6 центнерни ташкил этмоқда. Мажбурият урдаланган бўлсада, вилоятда ўрм-йиғим ишлари жадал олиб борилмоқда.

• Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан «2009 йилнинг энг яхши тарбиячиси» республика кўрик-танлови ўтказилди.

• «Маҳалла» жамғармасининг Жиззах вилояти бўлими чекка ҳудудларида жойлашган фуқаролар йиғинларига ўзига хос совғалар топширди. Улар 35 миллион сўмлик юмшоқ мебеллар тўплами ва компьютерларга эга бўдилар.

• Самарқанд шаҳрида миллий маросим, турли тадбир ва тўй-ҳашамлар ўтказишга мўлжалланган «Самарқанд» миллий уйи иш бошлади. «Stella-Evans» сайёҳлик компанияси сайёҳаракати билан барпо этилган мазкур мажмуада миллий маданиятимиз ҳақида маълумот берувчи кўргазмалар ташкил этиш ҳамда фольклор дасталарининг чиқишларини уюштириш мўлжалланмоқда.

• Наманган вилоятидаги ипақдан миллий матоларни ишлаб чиқарувчи «Атлас» акциядорлик жамиятининг қайтадан фаолият бошлаши муносабати билан 300 дан ортиқ киши иш билан таъминланди. Ўтган 2,5 ой давомида корхона томонидан салкам 25 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилди.

• Жоңдор туманидаги «Хумин» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда 540 ўринли педагогика касб-хунар коллежи биноси қад ростлади. Ҳозирда мазкур объектада «20-трест» масъулияти чекланган жамиятига қарашли 7-вакиллик қурувчилари пардозлаш ишларини олиб бормоқдалар. Янги коллеж биноси Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

### ЖАҲОНДА

• Бугун Италияда «катта саккизлик»ка аъзо мамлакатлар раҳбарлари иштирокида навбатдаги саммит бошланди. Анжуманиннинг биринчи кунинда иқтисодий инқироздан чиқиш, энергетика хавфсизлиги, Эрон ва КХДР билан боғлиқ муаммолар муҳокама этилмоқда.

• Хитой давлати раҳбари Ху Цзиньтао Синзян музофотида рўй бераётган оммавий тартибсизликлар муносабати билан «катта саккизлик» саммитида қатнашмасликка қарор қилди.

• Япония талаби билан БМТ Хавфсизлик Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда КХДРнинг 4 июль кунини амалга оширган ракета синовини муҳокама қилинди. Хавфсизлик Кенгаши аъзолари бир овоздан бу синовларни қоралади. Ҳозирда КХДРга нисбатан санкция эълон қилинган бўлиб, ушбу мамлакатга қурол сотиш тақиқлаб қўйилган.

• Болгарияда ўтказилган парламент сайловларида ГЕРБ ўнг марказий партияси галаба қозонди. Эндиликда партия раҳбари София Бойко Борисов Бош вазирлик курсисини эгаллаши кутилмоқда. Таъкидлаш кераки, парламент сайловларида илк маротаба иштирок этган ГЕРБ партияси асосий эътиборни коррупцияга қарши курашишга қаратишни маълум қилган. Кейинги ўринни социалистлар партияси раҳбари, Бош вазир Сергей Станишев эгаллаган бўлиб, у аллақачон ўз мағлубиятини тан олган.

• Коста Рика президенти ўз вазирчилигида Гондурасдаги можароларга барҳам бериб, тинчлик ўрнатиш юзасидан 9 июлда музокаралар ташкил этилаётганлигини маълум қилди.

• Россиянинг Ямал-Ненецк автоном областида катернинг тўнтарилиб кетиши натижасида бедарак йўқолган уч нафар маҳаллий журналистни қидириш ишлари давом этмоқда.

• Туркиянинг Ширнак музофотида террорчилик амалга оширилди. Йўл четига қўйилган мина ишчилар ўтирган юк машинаси ўтаётган пайтда масофадан туриб портлатилган. Ушбу хунрезлик натижасида тўрт ишчи ҳалок бўлди, тўққиз киши тан жароҳати олди. Ҳозирда Ширнакда террорчиларни қўлга олиш бўйича махсус амалиёт бошланди. Туркия ҳукумати вакилларининг фикрига кўра бу хунрезликни Курдистон партияси аъзолари амалга оширишган.

### «Ягонасан, муқаддас Ватан!»

## ВАТАННИ ТАРАННУМ ЭТИШ БАХТИ

**Ватанни ҳимоя қилиш, уни кўз қорачиғидек асраш ва улуғлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Ватан ҳақидаги мазмунан теран қўшиқлар кишига завқ, куч-қувват бағишлайди, мардлик ва жасоратга даъват этади.**

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 7 апрелда қабул қилинган қарорига мувофиқ ўтказилаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови ана шундай бадиий юксак қўшиқлар яратилишини рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Пойтахтимиздаги Марказий офицер-

лар саройида мазкур қарор ижроси доирасида Мудофаа вазирлиги қўшинларида ўтказилган кўрик-танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда ҳарбий гарнизон ва округлар, қурулми Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари, ҳарбий қисм ва муассасаларнинг профессионал ва ҳаваскор жа-

моалари ижрочилари иштирок этди. Кўрик-танловга тақдим этилган асарларни баҳолашда уларнинг матни, мукасаби ва ижро маҳоратига, Ватанни шарафлайдиган, қадр-қиммат, гурур ва ифтихор каби фазилатлар нечоғли ифода этилганига алоҳида эътибор қаратилди.

Мазкур тадбирда янграган куй-қўшиқларда Ватан туйғуси, унинг буюклиги, муқаддаслиги, юртимизда қарор топган тинчлик ва осойишталик, халқимизнинг бунёдкорлик фазилатлари, мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар тараннум этилди. Эндиликда ҳарбий қисм ва муассасаларда ўтказиладиган маъ-

навий-маърифий тадбирларда қуйланадиган бу асарлар ҳарбийларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини юксалтиришга, умумармия қўшиқлари савиясини оширишга, уларни мардлик ва жасоратга даъват этишга хизмат қилади.

Ватанпарварлик, саф қўшиқлари, лирика ва санъат йўналишларида ўтказилган кўрик-танловда қурулми Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли хонандаси, подполковник Шухрат Дадажонов, Андижон гарнизонидан кичик сержант Баҳодир Исмолов, Термиз гарнизонидан кичик сержант Фозилжон Тўрабоев биринчи ўринга сазовор бўлди.

Ҳалиблар кўрик-танловнинг мамлакат босқичига йўланмани қўлга киритдилар.

Х.САЛИМОВ,  
ЎЗА мухбири

### ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларининг хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Собир Раҳимов туманида хотин-қизлар қўмитаси, маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорликларида туман фаоллари ёшлари иштирокида ўтказилган тадбир оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланди.

✓ **КАМОЛИДДИН** Беҳзод номидаги рассомлик ва миллий дизайн институтида уюштирилган «Битирувчи — 2009» маросимида битирувчи талабаларга дипломлар топширилди.

✓ **КЕЧА** Тошкент Молия институтида Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгаши ҳамкорликларида ташкил этилган «Бунёдкор» ёшлар меҳнат отряди аъзоларини маъмурий ишларга қузатиш маросими бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги Шароф Рашидов номли маҳаллада «Маҳалла — муқаддас маскан» мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда маҳалла фаоллари, ёшлар иштирок этишди.

ТАЪЛИМ СОҲАСИНИНГ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Шайхонтохур туманидаги 169-умумтаълим мактабида «Йилнинг энг яхши ихтисослаштирилган мактаби» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ғолибликни қўлга киритган жамоалар иштирок этти.


Уз дунёқароши ва ҳаётини позициясига эга ёш авлодни тарбиялаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш маънавиятида амалда бўлган таълим тизимининг устувор йўналишларидан биридир. Иқтидорли ўқувчиларни рағбатлантириш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш масаласи бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур кўрик-танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳам жойларда ихтисослаштирилган умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўлиши, бу борада кенг қамровли лойиҳаларни ҳаётга

таъбиқ этиётган педагогик жамоаларни рағбатлантириш, уларнинг илгор тажрибаларини оммалаштиришга қаратилган.

Тадбирда сўз олганлар ушбу танлов барча вилоятлардан келган ғолиб жамоалари билан яқиндан танишиш ва уларнинг иш тажрибасини ўрганиш имкониятини бераётганлиги билан аҳамиятли эканлигини таъкидлашди.

Ҳозирда мамлакатимизнинг барча гушаларида кадр остиётган ва замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган мактаблар, академик лицей, касб-хунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртиларида тахсил олаётган ёшларимизнинг ҳар томонлама билимли ва зукко бўлишида ўқитувчилар ва мураббийлар бераётган таълим-тарбиянинг ўрни катта. Шунингдек, фан олимпиадалари, турли фестиваллар каби кўрик-танловлар ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этади. Анжуманда сўз олганлар анъанавий тарзда ўтказилиши режалаштирилган «Йилнинг энг яхши



Ихтисослаштирилган мактаби кўрик-танлови ҳам ҳар жиҳатдан етук, теран фикрли ёш авлодни тарбиялаш, уларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

«Туркистон-пресс»

БУЮК МУТАФАККИР НОМИДАГИ КЎЧА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўча улғу шоир номига ҳар томонлама муносибдир. Бу кўчадан халқимизнинг эл-юрт маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган беназир фарзандлари, фан, санъат ва маданият арбоблари фаолият юритган кўлаб маърифат ва зиё масканлари ўрин олган. Миллий театримиз, Адабиёт музейи, Ёшлар театри, Кино саройи, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, бир қатор вазирилик ва идоралар, олий ва ўрта-махсус ўқув юртилари, маданий-маърифий муассасалар шу кўчада жойлашган.

Хусусан, зиёлилар томонидан қисқача «Навоий, 30» деб аталадиган салобатли бинода бугунги кунда бир неча даврий нашрлар, газета ва журналларнинг таҳририятлари, нашриётлар, Матбуот ва ахборот агентлиги, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси каби қатор нуфузли ташкилотлар фаолият юритиб келмоқда.

Истиклол йилларида амалга оширилган улкан ислохотлар, ободончилик ва бунёдкорлик ишлари, пойтахтимизнинг ҳар бир гушасида бўлганидек, бу кўча мисолида ҳам ўз ифодасини топомқда. Ўтган йиллар мобайлида кўча атрофида йирик ҳажмдаги кўкаламзорлаштириш ишлари баҳарилди. Кўча кенгайтирилиб, трамвай линияси ва бекатлар бутунлай янгиланди. Абай кўчаси ва Хадра майдони оралигадаги савдо ярмаркалари тартибга келтирилди. Транспорт воситаларининг ҳар бири уч қатордан иборат икки ёқлама йўналишда ҳаракат қилиши учун барча имкониятлар яратилди.

Ўзбек Миллий академик драма театри юртимизнинг йирик маданият ўчоқларидан саналади. Мазкур даргоҳ Президентимиз раҳнамолигида 2001 йилда амалга оширилган улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишлари самараси ўлароқ, қайта қад ростлаб, замонавий қиёфа касб этди. Театр биноси санъаткорлар ва томошабинлар учун барча қулайликларни ўзида муҳассам этган санъат қошонасига айлантилди.

— Менинг иш жойим ҳам, уйим ҳам шу кўчада жойлашган, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова. — Ҳазрат Навоийнинг қутлуг номлари билан аталадиган бу қутлуг кўчада салкам қирқ йилдан бери яшайман. Биз кўчиб келган дастлабки йилларда кўчамиз ҳозиргидек кенг, раво эмасди. Сўнгги йилларда истиқлолимиз шарофати, Юртобшамининг юксак эътибори билан шаҳримизнинг барча гушалари қатори бизнинг кўчамиз ҳам чирой очди. Бу кўчанинг ҳар қаричи менга қадрдон. Чунки бу кўчага қанчадан-қанча азиз устозларимизнинг пойқадами теккан, назаримда ҳозир ҳам уларнинг уйғоқ руҳи кезиб юргандек.

Тошкентнинг қутлуг тўйи арафасида Навоий номидаги бу мухташам ва ҳамиша гавжум кўча янада обод, кўркам қиёфа касб этаётди. Бу ерда амалга оширилаётган қурилиш ва таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари пойтахтимиз ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Бир сўз билан айтганда, Навоий кўчаси улғу мутафаккир шоиримизнинг мунаввар сиймоси янглиг теран маънавиятимиз тимсоли, элимизни нури келажакка элтадиган йўл рамзи бўлиб қолавереди.

Рустам ЖАББОРОВ, Ўза шарҳловчиси, Аъло АБДУЛЛАЕВ (Ўза) олган сурат

Ўзбек Миллий академик драма театрида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Республика репродуктив саломатлик маркази, Республика «Оила» маркази ҳамда кўлаб муассасалар билан ҳамкорликда «Соғлом она — соғлом бола» мавзuida илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманлар

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

Тадбирда сўзга чиққанлар, аҳоли қатламлари, айниқса ёшлар ўртасида оилада тиббий маданиятни ва билимини ошириш, репродуктив саломатлик, она ва бола саломатлигини муҳофазалаш борасида кенг ва атрофлича маълумот беришди.

Мазкур тадбир доирасида шаҳримизнинг барча туманларида жойлашган туман ҳудудий тиббиёт бирлашмалари

ўртасида кўргазмали қуроллар ва плакатлар кўрик-танлови ҳам ўтказилди. Танловнинг якуний натижаларига кўра, 1-ўрин — Собир Раҳимов тумани ҳудудий тиббиёт бирлашмасига, 2-ўрин Миробод туманига ҳамда 3-ўрин Чилонзор туманига насиб этди.

— Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, со-

ғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида туманимизда истиқомат қиладиган 310 миң аҳолига тушунтириш ва тарғибот ишларини амалга ошироқдамиз, — дейди Собир Раҳимов туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Алишер Нурмухаммедов. — Туманимиз аҳолисининг ярми ҳовлиларда ва ярми кўп қаватли уйларда истиқомат қиладди. Ҳозирги кунда туманимизда 72 миңдан зиёд туғиш ёшидаги оналар рўйхатга олинган бўлиб, уларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва саломатликларини тиклаш учун кўлаб ишларни амалга оширяймиз. Шу кунгача туғиш ёшидаги 50 фоиз аёлларни бепул тиббий кўриқдан ўтказдик. Никоҳгача муддатда 2 миң нафардан зиёд келин-куёвларни ҳам тиббий кўриқдан ўтказиб, уларни тўй кунларига соғломлаштирдик. Ушбу тузилаётган янги оилаларни 5 йилгача тиббий назорат қилишни олдимизга мақсад қилиб олганмиз.

Баҳодир ХОЛМАТОВ, Жасмина ҚОДИРОВА

Бугунги кунда давлатлар томонидан халқаро ҳуқуқ нормаларини, умумэтироф этилган тамойилларни тан олиш ва уларни ўзининг ички қонун ҳужжатлари мазмунида акс эттириш ушбу давлатнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан демократик ҳуқуқий давлат сифатида тан олиниши ҳамда унинг давлатлараро муносабатлардаги ўрнининг белгиланишида катта аҳамият касб этмоқда.

Зеро, глобаллашув жараёнининг кучайиб бориши ҳамда халқаро ҳуқуқнинг бу жараёнларни тартибга солиш борасидаги таъсирининг ортиб бориши давлатлар ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг халқаро ҳуқуқ нормалари билан уйғунлаштирилишини тақозо этмоқда.

Бундай заруратнинг муҳим сабаби, халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқдан устунлиги — халқаро ҳуқуқ ва самарали амал қилишининг муҳим шарти эканлигидан келиб чиқади. Давлатнинг ички ҳуқуқи халқаро ҳуқуққа мос келиши, улар ўртасида зиддиятлар рўй берган ҳолларда халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлик қилиши тамойилига риоя этилиши керак. Зотан, халқаро ҳуқуқ давлатларга юқоридан юкланган мажбурият эмас, бу — уларнинг хоши-иродасини мувофиқлаштириш натижаси, умиминсоний қадриятлар инъикосидир.

Халқаро ҳуқуқ ва ички давлат ҳуқуқи бир-биридан алоҳида мавжуд бўлмайди. Халқаро ҳуқуқ ҳам меъёрларини ишлаб чиқишга миллий ҳуқуқий тизимлар таъсир кўрсатади, у давлатнинг ташқи сиёсати ва дипломатиясида ўз ифодасини топади. Халқаро ҳуқуқ ҳам ўз навбатида миллий қонунчиликнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Халқаро мажбуриятларнинг ички давлат ҳуқуқи даражасида реал амалга оширилишини таъминлаш учун халқаро ҳуқуқий меъёрларни миллий қонунларда мустаҳкамлаш, яъни имплементация қилиш чоралари кўрилади. Бунинг учун давлат ўз қонуний нормаларини халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан мос ҳолатга келтириш йўлидан бориб, халқаро ҳуқуқ нормалари ифодаланган ёки давлат ҳуқуқида бу нормалар амал қилиши белгиланган миллий қонун ҳужжатларини қабул қиладди. Айрим давлатлар Конституцияларига мувофиқ халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари, нормалари ва халқаро шар-

тномалари ушбу давлатлар ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Агар бу давлатларнинг халқаро шартномасида ички қонунда назарда тутилганидан бошқа қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларида шундай қоида ўрнатилгани, унга кўра давлатнинг ички қонуни билан халқаро шартномалар ўртасида зиддият мавжуд бўлса, халқаро шартномалар устувор-

Шунингдек, Конституциянинг биринчи бўлими, IV боби, 17-моддасида халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларидан бештаси аниқ белгиланган бўлиб, ушбу моддада «Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлат-

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ТАМОЙИЛЛАРИ УСТУВОР

лика эга бўлади. Бундай қоида халқаро ҳуқуқнинг давлатнинг ички ҳуқуқи қоидаларини устидан устуворлиги деб аталади.

Ҳозирги кунда халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари ва меъёрлари аксарият давлатларнинг Конституцияларида ва бошқа қонунларида ўз аксини топади. Ушбу давлатларнинг қонунчилиги, ижро ва суд ҳокимиятлари фаолияти ҳам халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларига мос келиши лозим. Мазкур тамойиллар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва бошқа қонунларида мустаҳкамланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларини тан олиши энг аввало Конституциянинг муқаддима қисмида аниқ кўрсатиб ўтилган. Конституциянинг биринчи бўлимида, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тизимининг асосий тамойиллари кўрсатилган. Ушбу бўлимда давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги, ташқи сиёсат тамойилларини акс эттирувчи ҳуқуқий нормалар келтирилган. Мазкур норма-ларда халқаро ҳуқуқнинг «суверен тенглик», «давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмаслиги» каби асосий тамойиллари ўз аксини топади.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқларига бағишланган 70 та халқаро ҳужжатлардан 35 дан ошигини ратификация қилди. Ратификация қилинган бу ҳужжатлардаги асосий қоидалар республика қонунчилигида, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқи масалаларига оид 100 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Республика Президенти эса шу давр ичида инсон ҳуқуқи масалаларига бағишланган олтишдан ортиқ Фармонлар қабул қилди. Бир сўз билан айтганда, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган асосий тамойиллари умиминсоний қадриятлар мажмуасини ифода қиладди ва ҳимоя қиладди. Унинг замирида тинчлик ва ҳамкорлик, инсон ҳуқуқлари каби муҳим қадриятлар ётади, улар халқаро ҳуқуқ фаолияти ҳамда тараққиётнинг ғоявий асоси ҳисобланади. Шу сабабли, ушбу тамойиллар Ўзбекистон Республикасининг барча қонунларида ўз аксини топади ва кенг ривожланиб келмоқда.

Инсоннинг асосий ҳуқуқларига ишончини мустаҳкамлаш ва БМТ тамойилларини амалга ошириш мақсадида «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»ни қабул қилди. Унда «инсон ҳуқуқларининг ҳар жиҳатдан ҳурмат қилиниши барча давлатлар ва барча халқларнинг муштарак бурчидир» — деган тамойил ўз ифодасини топади. Бу декларация буюқ тарихий аҳамиятга эга ҳужжат бўлиб, у жаҳон аҳлининг виждони, жамиятлар ва давлатлар позицияларининг нечоғлиқ тўғрилигини ўлчаб берадиган мезондир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, халқаро ҳужжатлар амалга киритила бошланди. Конституциямизда нафақат Ўзбекистон фуқаролари, балки барча инсонларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳам мустаҳкамлаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 30 сентябрда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини ратификация қилди. Умуман олганда

Ўзбекистон мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқларига бағишланган 70 та халқаро ҳужжатлардан 35 дан ошигини ратификация қилди. Ратификация қилинган бу ҳужжатлардаги асосий қоидалар республика қонунчилигида, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқи масалаларига оид 100 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Республика Президенти эса шу давр ичида инсон ҳуқуқи масалаларига бағишланган олтишдан ортиқ Фармонлар қабул қилди. Бир сўз билан айтганда, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган асосий тамойиллари умиминсоний қадриятлар мажмуасини ифода қиладди ва ҳимоя қиладди. Унинг замирида тинчлик ва ҳамкорлик, инсон ҳуқуқлари каби муҳим қадриятлар ётади, улар халқаро ҳуқуқ фаолияти ҳамда тараққиётнинг ғоявий асоси ҳисобланади. Шу сабабли, ушбу тамойиллар Ўзбекистон Республикасининг барча қонунларида ўз аксини топади ва кенг ривожланиб келмоқда.

Дониёр АЮПОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

Иқтисодиёт

СИФАТГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига қаратилган эътибор унинг харидоригирлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Маҳсулотлари сифати ва қадоқланишига эътибор билан ёндошаётган ва бозорни ўрганиш асосида тайёрланаётган товарлар турларининг харидор диди ҳамда эҳтиёжига яраша бўлишини таъминлаётган «ТЕГЕН» компаниясида ма-лакали мутахассислар меҳнат қилишади. 10 йилдан зиёд фаолият кўрсатаётган мазкур корхонада йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот турлари ортиб борапти. Бунинг натижасида эса ўнлаб қўшимча иш ўринлари ҳам яратилмоқда.

Мамлакатимиз бўйича ўз харидорини топаётган «ТЕГЕН» савдо белгиси остидаги қолбаса, қолбаса маҳсулотлари, пишлоқ, макарон, майонез, кетчуп, ярим тайёр озиқ-овқат товарларининг тури бугунги кунга келиб 100 хилдан ортиб кетди. Корхонанинг цехлари Германиянинг юксак унумли дастгоҳ ва ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, тадбиркорлар маҳсулот ишлаб чиқаришда Россия технологияларидан самарали фойдаланишади.

— Маҳсулотларимизни тайёрлашда маҳаллий хом ашёдан фойдаланамиз ва аввало келтирилаётган ана шу хом ашё сифатига эътибор қаратамиз, — дейди маркетинг бўлими маркетинглог Инна Эм. — Жорий йилнинг ўтган ойларида 10 хилдан зиёд маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга жорий этдик. Бунинг учун Украинадан янги технологик ускуналар келтириб, цехларимизни жиҳозлашга муваффақ бўлдик.

Айни пайтда яна бир неча янги маҳсулот турини яратиш устида иш олиб борилмоқда. Пишлоқли дудланган қолбаса ва бошқа маҳсулотлар ана шулар жумласидан бўлиб, барча турдаги товарлар корхонанинг мавжуд 7 та фирма дўкони ва шартнома асосидаги бошқа савдо шохобчалари орқали харидорларга етказиб берилади.

Хуршид НАЗАРОВ

СОҒЛИФИНГИЗГА ФЙДАЛИ

Ёзнинг иссиқ кунларида, албатта чанқоғингизни босувчи салқин ичимликлар, минерал сувлар жонингизга ора киради.

Бугунги кунда тинимсиз изланаётган тадбиркорларимиз замонавий технологиялар асосида ана шундай маҳсулотларни тайёрлаб, харидор талабини қондиришга интилишмоқда. «SHAFFOF SERVIS» масулуятли чекланган жамиятида ҳам тоғ-булоқ суви тозаланган, уни қадоқлаш йўлга қўйилган бўлиб, бу ерда меҳнат қилагаётган 100 нафарга яқин ишчи-ҳодимнинг изланишлари яхши самара бермоқда. Ўтган ўн йил давомида «Shaffof» савдо белгиси остида қадоқланаётган тоза, инсон саломатлиги учун фойдали булоқ сувлари харидорини топди. Корхона цехларига Хитойнинг замонавий технологик жиҳозлари ўрнатилган бўлиб, илгор технологияларни қўллаш юқори сифатли маҳсулот тайёрлашда қўл келмоқда. Тадбиркорлар харидор талаб ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда маҳсулотни 4 хилда қадоқлашмоқда. Қадоқлаш ашёлари ҳам корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилмоқда. Буюртмачиларга қулайлик яратишни кўзда тутган ҳолда қадоқланган сувлар махсус автомашиналарда жойларга етказиб бериляпти. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, корхонада қадоқланаётган шаффоф булоқ сувларининг овқат ҳам қилишда, саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этиши тажрибада синалган ва сифати жиҳатидан юқоридир.

Айни пайтда корхонанинг Андижон, Фарғона, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида филиаллари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Келгусида яна бошқа вилоятларда ҳам филиаллар фаолиятини ташкил этиш кўзда тутилган.

МИНИАТУРА УСТАСИ

Халқ амалий ҳунармандчилиги йўналишларидан саналган лок миниатюраси усталари ҳисобланмиш ҳунарманд-рассомларнинг яратган асар ва маҳсулотлари ўзига хос жозибаси билан ажралиб туради.

«Абулқосим» мадрасасида фаолият кўрсатаётган Жамолиддин Абдуллаев ҳам мазкур йўналишда ишламоқда. У ҳунар сирларини акаси Камоллиддин Абдуллаевдан ўрганган ва ҳозирда ҳам унинг маслаҳат, йўл-йўриқлари асосида ишлайди.

— Мен ўз маҳсулотларимни тайёрлашда асосий хом ашё — прессланган қоғоздан фойдаланаман, — дейди Жамолиддин. — Ҳар бир яратган буюмларимда миллийлик уфуриб туришини истайман. Бир-бирига уйғун ранглارни танлашга эътибор қаратаманки, бу маҳсулотларим жозибасини янада оширади.

Жамолиддин Абдуллаев терига нақш усулида ишлов бериб, янги турдаги буюмлар ва девор панноларини ҳам яратмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА

## БУНЁДКОР ЁШЛАР ШИЖОАТИ

**Мамлакатимизда навқирон йигит-қизларни ҳар томонлама билимли, юксак малакали мутахассислар қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшларнинг ўз салоҳиятини юзага чиқариши, уларнинг жамиятимизда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**

Бунда Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши тегишли вазирлик, идора, ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда аънавий тарзда ташкил этаётган бунёдкор ёшлар меҳнат отрядлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

"Ёшлик" талабалар шаҳарчасида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети ҳамда Тошкент молия институтининг ана шундай талаба ёшларидан иборат "Бунёдкор - 2009" меҳнат ҳаракатининг ёзги мавсуми очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокими Р.Чориев, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси ўринбосари Б.Туропов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодни етук ва баркамол этиб тарбиялаш, уларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, миллий ва умуминсоний қадриятларга эҳтиром руҳида тарби-

ялаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар юксак самара бераётганини алоҳида таъкидлашди.

Ушбу гуруҳларга аъзо бўлган саккиз юзга яқин талаба-ёшлар шаҳарчада амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан олиб борилаётган ободонлаштириш-қўқаламзорлаштириш ишларида қатнашади.

— «Бунёдкор» меҳнат ҳаракатида икки йилдан буён иштирок этаман, — дейди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси Бахтиёр Мамадаминов. — Университетимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссамни қўшаётганимдан мамнунман. Бу ҳаркат биз, ёшларни бирдамликка, ҳамжиҳатликка ундаши билан бирга, касб-хунар сирларини пухта эгаллашимизга ҳам хизмат қилади.

Гўзал САТТОРОВА,  
ЎЗА мухбири



## ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

### ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «Тошкент шаҳар давлат мулкини ижарага бериш маркази» хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнесни ва тадбиркорликни ривожлантиришда кўмаклашиш ҳамда давлат мулкидан янада оқилона фойдаланиш мақсадида қуйидаги манзиллар бўйича жойлашган бинолардаги бўш майдонларни

ИЖАРАГА ОЛИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

№	Баландлик сакловчининг номи	Манзил (жойлашган жойи)	Майдони (кв.м.)	Ижара муддати	Фойдаланиш мақсади	Ижарага бериш шарти	Телефон
1	"Шайхонтоҳтурманга" филиали кўчаси, 3-уй	Шайхонтоҳтурман тумани, Беруний кўчаси, 3-уй	14,0	31.12.2010 йил	офис	Тошкент шаҳар ҳудудидан бўлиб қилинган ҳолат	242-73-81
2	Тошкент уй-жойи фойдаланиш қисми 2-сон уй-жой бошқармаси	Хамза тумани, ҳарбий шаҳарча, ДУ-2 бизнес	55,0	31.12.2010 йил	офис, дукон	Ўзбекистон Республикаси Мулоффа Валитини Тошкент уй-жойи фойдаланиш қисми билан келишилган ҳолат	268-82-89
3	"Халқ истеъмоли товарларининг кўргазма-армака савдоси республика маркази" ЕАЖ	Шайхонтоҳтурман тумани, Беруний кўчаси, 41-уй	574,8	31.12.2010 йил	омбор	Давлат мулки кўмитаси	227-10-79
4	"Халқ истеъмоли товарларининг кўргазма-армака савдоси республика маркази" ЕАЖ	Шайхонтоҳтурман тумани, Беруний кўчаси, 41-уй	1310,2	31.12.2010 йил	офис	Давлат мулки кўмитаси	227-10-79
5	Ўзбекистон маъбудот ва аҳборот агентлиги "Мамурий бинолардан фойдаланиш бошқармаси"	Шайхонтоҳтурман тумани, Навоий кўчаси, 39-уй	18,5	31.12.2010 йил	офис		244-25-43
6	Ғафур Ғулом нашриёт-маъбаа ижодият уйи	Шайхонтоҳтурман тумани, Шайхонтоҳтурман кўчаси, 86-уй	1020,0	31.12.2010 йил	ишлаб чиқариш	Ўзбекистон маъбудот ва аҳборот агентлиги "Мамурий бинолардан фойдаланиш бошқармаси"	241-82-69
7	Давлат ветеринария бош бошқармаси	Чиланзор тумани, Кичик Ҳалқа йули кўчаси, 21А-уй	434,0	31.12.2010 йил	офис, дукон, зорихона	Кичик ва сув ҳўжалиги вазири	276-91-50
8	"Навоий тоғ-кон металлургия комбинати" давлат корхонаси	Хамза тумани, М.Ашрафий кўчаси, 70-уй	1253,1	31.12.2010 йил	ишлаб чиқариш, омбор		293-03-86
9	РУМНИЦ "Ўқоммуқуватилотчи"	Юнусобод тумани, Нисабек йули кўчаси, 1-уй	15,0	31.12.2010 йил	офис	"Ўқоммуқуватилотчи" агентлиги	234-93-60
10	"Тошэлектротранс" давлат компанияси 2-трамвай депоси	Учтепа тумани, Луғфий кўчаси, 70-уй	622,0	31.12.2010 йил	омбор	"Тошэлектротранс" давлат компанияси	272-80-92
11	Тошкент шаҳар Шайхонтоҳтурман тиббиёт бирдасида қарши 44-сон остивай поликлиника	Шайхонтоҳтурман тумани, Бог кўча мавзеси, 13 "А"-уй	36,0	31.12.2010	аптека	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги	242-65-27

Ижара масалалари тўғрисида қўшимча маълумотлар бўйича А.Темур шоҳ кўчаси, 16а-уй манзилида жойлашган «Тошкент шаҳар давлат мулкини ижарага бериш маркази» ДК (4-қават, 408-хона) ёки 232-22-58 телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин. Электрон манзил: Tashkent\_ljara@mail.ru

Ижара шартномасига коммунал ва эксплуатация тўловлари кирмайди.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЕАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказилган очик аукцион савдосига таклиф этади! 2009 йил 28 июль куни соат 11:00да тақдоран бўлиб ўтадиган аукцион савдосига суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

1. Аукцион савдосига Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан қуйидагилар қўйилмоқда:

1. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 06.03.2006 йилдаги ЖСК-1-88/2006-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти Қўрай тумани, "Миңчирин дала ҳовли" ҳудудда жойлашган, 67-сонли дала ҳовли, Бошланғич баҳоси — 692 699 700 сўм. 2. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 06.03.2006 йилдаги ЖСК-1-88/2006-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Нисабек кўчасидаги 12-уй, қурилиши тугалланмаган уй-жой. Бошланғич баҳоси — 402 591 987 сўм.

II. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Ўзбекистон Республикаси МХХ автостанциясида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари:

1. Ўзбекистон Республикаси Харбий судининг 17.10.08 йилдаги 44-сонли ижро варақасига асосан, "Тико" русумли, д/р 10X2330 бўлган, 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси, Бошланғич баҳоси — 6 883 008 сўм. 2. ЖИБ Юнусобод тумани судининг 17.12.08 йилдаги 1-1012/08-сонли ижро варақасига асосан, "Леганза" русумли, д/р 20J6488 бўлган, 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси, Бошланғич баҳоси — 15 025 114 сўм. 3. ЖИБ М.Улуғбек тумани судининг 12.11.08 йилдаги ЖСК-1-911/2008-сонли ижро варақасига асосан, "Тойота-Лекс-470" русумли, д/р 30K3535 бўлган, 2002 йилда и/ч автотранспорт воситаси, Бошланғич баҳоси — 100 000 000 сўм. 4. ЖИБ Сергели тумани судининг 03.03.09 йилдаги 1-1360/08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Нексия" русумли, д/р 30A1181 бўлган, 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси, Бошланғич баҳоси — 11 422 025 сўм. 5. Ўзбекистон Республикаси Харбий судининг 03.03.09 йилдаги 23-сонли ижро варақасига асосан хатланган, — "БМВ" русумли, д/р 1123081 бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси, Бошланғич баҳоси — 7 018 721 сўм; — "БМВ-520" русумли, д/р X829SPM бўлган, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси, Бошланғич баҳоси — 13 831 075 сўм 20 тийин. 6. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 18.12.08 йилдаги ЖСК-1-568-08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, — "БМВ-316" русумли, д/р 30Z6479 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси, Бошланғич баҳоси — 20 339 890 сўм 40 тийин; — "Нексия" русумли, д/р 30S6979 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси, Бошланғич баҳоси — 19 000 000 сўм. 7. ЖИБ М.Улуғбек туманларaro судининг 30.03.09 йилдаги 3-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар 8-сонли жарима майдонида сақланаётган, "Ваз-21093" русумли, д/р 10L8715 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси, Бошланғич баҳоси — 2 501 000 сўм.

III. Тошкент шаҳар Яққасарой туман суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги мулклар қўйилмоқда. 1. ЖИБ Тошкент вилоят судининг 20.02.2009 йилдаги №2-164-08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар Яққасарой тумани Беларик кўчаси 14-Е уйда жойлашган 2 қаватли уй-жой. Бошланғич баҳоси — 441 301 888 сўм. 2. Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 18.12.2006 йилдаги 10-0610/13548-сон, 25.07.2007 йилдаги 10-0718/6855-сон, 10.11.2007 йилдаги 10-0705/11834-сон, 10.11.2007 йилдаги 10-0705/11835-сон, 12.02.2008 йилдаги 10-0718/15363-сон, 26.08.2008 йилдаги 10-0804/8759-сон, 25.11.2008 йилдаги 10-0804/13223-сонли ижро варақаларига асосан қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда: — Республика Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазириги ўз қишлоқ журнали ходими Комилов М.Да сақланаётган, "Нексия" русумли, д/р 10AY378 бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси, Бошланғич баҳоси — 9 768 600 сўм. — Тошкент шаҳар "Себзор" жарима майдончасида сақланаётган "Матиз" русумли, д/р 10BD330 бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси, Бошланғич баҳоси — 7 654 500 сўм.

IV. Тошкент шаҳар С.Раҳимов туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 11.03.2009 йилдаги №10-0920/659-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент ш. С.Раҳимов тумани Тўлганов кўчаси 51-уй манзилида сақланаётган: 1. "Дамас" русумли, д/р 10AC068 бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси, Бошланғич баҳоси — 4 140 102 сўм. 2. С.Раҳимов туман "Себзор" жарима майдончасида сақланаётган "Тико" русумли, д/р 10AE326 бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси, Бошланғич баҳоси — 5 129 534 сўм.

V. Тошкент шаҳар Хамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент вилоят судининг 20.02.2009 йилдаги №2-164-08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Хамза туман, Мўйнок кўчаси, 241-уй манзилида сақланаётган: 1. "Мерседес Бенц Е-280" русумли, д/р 14AE485 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси, Бошланғич баҳоси — 75 038 337 сўм. 2. "Нексия" русумли, д/р 14U 6008 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси, Бошланғич баҳоси — 11 899 269 сўм. 3. "Нексия" русумли, д/р 11N7965 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси, Бошланғич баҳоси — 16 762 245 сўм.

Мақур мулклар билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига кириб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхталилади.

Мақур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини, тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санагини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" РКМБнинг ОАИКБ «Инак Йўли банки» Сағбон ф.даги қуйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114.МФО: 01036, ИНН: 200933850, Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Уразабоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

## Тиббиёт

### СУНЪИЙ БУЙРАК АППАРАТИ

**Тошкент шаҳар нефрология маркази энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланмоқда. Эндликда шифохонада сунъий буйрак аппаратларидан ҳам фойдаланилмоқда.**

Ўтқир ва сурункали буйрак етишмовчилиги билан оғриган беморлар ҳаётини узайтиришда ушбу мураккаб қурилмалар қўл келмоқда. Қон тарқибини меъ-ёрида сақлаш, моддалар алмашинуви воситалари ҳамда танадан захарли моддаларни чиқариб ташлаш учун қонни диализлаш ва ультрафильтрациялар асосида тозалашда ҳам сунъий буйрак аппаратларидан фойдаланилади.

105 ўринга мўлжалланган ушбу марказ туб таъмирдан чиққач, бу ерда нефрология ва гематология хизматини кўрсатиш янада яхшиланди.

### МУҲИМ МАВЗУГА БАФИШЛАНДИ

**Республика саломатлик ва тиббий статистика институти томонидан уюштирилаётган тадбирлар жойларда қизиқиш уйғотмоқда.**

Илмий муассасанинг Тошкент шаҳар филиалида ўтказилган анжуман эса «Чекмасдан ёшлик гаштини сур» шиори остида ташкил этилди.

Бутунжаҳон чекишга қарши кураш куни муносабати билан амалга оширилган бу тадбирда кенг жамоатчилик, тиббиёт ходимлари, таълим муассасалари ўқувчи-ёшлари қатнашиб, қашандаликнинг инсон соғлиғига баҳрамдан зарари оид фойдали маслаҳатлардан баҳраманд бўлдилар. Шунингдек, анжуманда чекишнинг олдини олишга қаратилган ҳужжатли фильмлар намойиш қилинди.

Гулноза РАСУЛОВА

### МАРКАЗ САЪЙ-ҲАРАКАТИ БИЛАН

**Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий таълимни ривожлантириш маркази саъй-ҳаракати билан қатор ўқув адабиётлари босмага тайёрланмоқда.**

Малака ошириш ва ихтисослаштиришга қаратилган бундай нашрлардан яна бир нечаси шифокорларга тақдим этилди. «Эндокринология бўлими ва хонаси ҳамшираси», «Дерматовенерология бўлими ва хонаси ҳамшираси», «Операция бўлими ва хонаси ҳамшираси» деб номланган ўқув қўлланмалари эса ҳамширалик иши соҳаси мутахассислари учун мўлжалланди.

### ОММАЛАШАЁТГАН БОЙ ТАЖРИБАЛАР

**Травматология касалликларни даволашнинг космотехнологик жараёнларида макрохирургия ва прецизион техникалардан кенг фойдаланилмоқда. Бундай замонавий илғор даволаш усуллари шошилич тиббий ёрдам орқали ҳам қўлланилмоқда.**

Ўзбекистон Шошилич тиббий ёрдам врачлари ассоциацияси саъй-ҳаракати билан ҳаёт учун ўта хавфли ҳисобланган ўпка артерияси тромбозия, миокард ўтқир инфаркти каби касалликлар муолажасига доир тез ёрдам тизими хирургияси бўйича янги тавсиялар ишлаб чиқилди. Бу каби ютуқлар халқаро доирада ҳам эътироф қилинди.

### ЗАМОНАВИЙ УСЛУБЛАР

**«Юқумли касалликларни даволашнинг замонавий услублари» мавзуда халқаро конференция бўлиб ўтди.**

Ўз ишини дастлаб Самарқандда, кейинчалик Тошкентда давом эттирган бу анжуманда кейинги йилларда мамлакатимизда турли юқумли хасталикларнинг олдини олиш ҳамда даволаш борасида амалга оширилган кенг қўламли тиббий жараёнлар атрофида муҳокама қилинди. Москвадаги эпидемиология ва микробиология институти томонидан тайёрланган маъруза ҳам кўпчилик эътиборини ўзига тортиди.

Конференция томонидан тақдим этилган тавсияномада эса юқумли касалликларга қарши курашишнинг илғор тиббий усуллари ўз ифодасини топди.

Акбар АЛИЕВ

## ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!!!

**«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасининг «Тошавтобустранс» ва «Тошэлектротранс» компаниялари ҳайдовчи ва чиптачи лавозимларига ишга таклиф қилади.**

**Ўртача ойлик иш ҳақи:**

автобус ҳайдовчиси - 250-350 минг сўм;

трамвай ҳайдовчиси - 250-300 минг сўм;

троллейбус ҳайдовчиси - 200-250 минг сўм;

чиптачи - 140-180 минг сўм.



Маълумот учун телефонлар: «Тошавтобустранс» Акциядорлик компанияси: 233-59-38  
«Тошэлектротранс» Давлат компанияси: 244-24-75

## Саломатлик — туман бойлик

## СОҶА ХОДИМЛАРИ БЕЛЛАШДИ

Шаҳримиздаги сўлим ва хушманзара Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши «Агросаноатчи» маданий-соғломлаштириш спорт клуби билан ҳамкорликда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили ҳамда пойтахти азимининг 2200 йиллигига бағишлаб тизимдаги корхона ва ташкилотлар, ўқув муассасалари ишчи-ходимлари ва уларнинг оила аъзолари иштирокида маданий-спорт байрамини ташкил этди.

Шу куни агросаноат мажмуи тизими корхона ва ташкилотларида меҳнат қилаётганлар ҳамда уларнинг оила аъзоларидан жами 26 та ташкилотдан 200 дан ортиқ қатнашчилар соғлом турмуш тарзига ошно бўлишди. Яъни, маданий-спорт байрами иштирокчилари шашка, дартс, тош кўтариш, «Қувнок стартлар», арқон тортиш, «Ўзбекистон — куйлайман сени» мавзусида шеър ёдлаш, рақс ижро этиш, сақсафонда мусиқа чалиш бўйича ўз куч-маҳоратларини кўрсатдилар.

Албатта, мусобақаларда юқори натижалар кўрсатилма-

ган бўлса-да, муҳими иштирок этиш, ғалабага бўлган юқори интилиш эди.

Шундай қилиб, якуний ҳисоб-китоблардан сўнг шашка бўйича ўғил болалар ўртасида И.Абдувалиев («Ўзпахтасаноат» уюшмаси), қизлар баҳсида Г.Шоисломов («Сувмаш» ОАЖ), дартс мусобақаларида эркаклар баҳсида Х.Бекматов («Ўзбекистон сифат маркази»), аёллар ўртасида Г.Гильязова («Сувмаш» ОАЖ) голиблар сифини бошқаришди.

Тош кўтариш беллашувларида ҳам «Сувмаш» вакили Шавкат Ашурматовга тенг келади-

ганлар топилмади. Арқон тортиш бўйича «Ўзпахтасаноат» уюшмаси вакиллари барча рақибларини ордта қолдиришган бўлса, «Қувнок стартлар» баҳсларида мазкур уюшма вакиллари «Сувмаш» ОАЖ жамоасидан кейин иккинчи ўринни эгаллашди.

«Ўзбекистон — куйлайман сени» мавзусида шеър ёдлаш номинациясида «Ўзме-васабзавотузмусаноатлойдиха» вакили Зулфия Шамсиева бир овоздан голиб деб топилди.



Маданий-спорт байрамининг барча голиб ва совриндорлари ташкилотчилар томонидан ажратилган қимматбаҳо совғалар ва дипломлар билан тақдирланди. Соҳа ходимларининг фарзандлари эса боғдаги аттракционларда маза қилиб ўйнаб-яйрашди. Бунинг учун

ташкilotчилар томонидан мингга яқин бепул чипталар тарқатилди.

(Ўз муҳбиримиз)

**СУРАТДА:** боғда ўтказилган маданий-спорт тадбиридан лавҳа.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат

### Пойтахтимизда жойлашган Туркистон санъат саройида Корей санъат фестивали бўлиб ўтапти.

### МИЛЛИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИК УЙҒУНЛИГИ

Ушбу маданий тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамағатлари, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Фестивалнинг биринчи куни корей анъанавий рақс ва мусиқа санъатига бағишланди. Иккинчи куни эса замонавий корей ансамбли «Euse» жамоаси чиқишлари билан томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги алоқаларнинг ҳар томонлама ривожланишига санъатнинг алоҳида ўрни бор. Юртимизда корей фильмлари фестивали, мазкур мамлакат мусаввирлари ижодига бағишланган бадий кўргазмалари, турли маданий-маърифий тадбирларнинг мунтазам ўтказилиши бунга мисол бўла олади.

Уч кун давом этадиган ушбу фестивалда Корея Республикасининг анъанавий, замонавий рақс, балет ва мусиқа санъати томошабинлар эътиборига ҳавола этилади.

Ўзбек ва корей халқлари маданияти доими бир-бири билан уйғун ҳолда ривожланган. Шу боисдан, корейликларнинг миллий ва замонавий рақс ва мусиқалари ўзбек санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотди.

Азима ҚИЁСОВА,  
«Туркистон-пресс»

### Спорт ангилликлари

### GERMANYADAГИ ТЎРТ ҒАЛАБА

Жорий йилнинг сентябрь — октябрь ойларида Мисрда футбол бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати пухта тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Германияда ташкил этилган навбатдаги хорижий ўқув-машғулот йиғинини якунлади.

Икки ҳафта давом этган йиғинда ёш футболчиларимиз жисмоний, техник ва тактик тайёргарлик машғулотларидан ташқари тўртта ўртоқлик учрашувида майдонга тушдилар. Беллашувларда терма жамоа бош мураббийси Аҳмад Убайдуллаев ҳужумкор ўйин тактикасини синаб кўрди. Натижада футболчиларимиз тўртта учрашувда жами ўн олтига тўп киритдилар ва терма жамоамиз посбонлари — Дониёр Усмонов, Санжар Қувватов ҳамда Илхом Жуманов учта ўйинда дарвозамиз дахлсизлигини сақлаб қолдилар.

Дастлаб, «Рокенберг»ни 3:0 ва «Бэд Наухейм»ни 5:0 ҳисобида доғда қолдирган Ўзбекистонлик ёшлар учинчи учрашувда Германия биринчи дивизиони вакили «Рот-Вейс» клубига қарши майдонга тушди. Ҳақиқатимиз фақатгина «Рот-Вейс»га қарши ўтказилган ўйинда ўз дарвозаларидан тўп олиб чиқишга мажбур бўдилар. Лекин Шухрат Муҳаммадиев, Кенжа Тўраев, Сардор Мирзаев, Зоҳир Пиримов ва Алишер Азизов томонидан киритилган голлар 5:3 ҳисобидаги ғалабани таъминлади.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси сўнгги ўртоқлик учрашувида Франкфуртнинг «Спортфренд-04» жамоаси билан куч

синашди. Биринчи бўлимда германияликлар ҳақиқатимизнинг барча ҳужумларини бартараф этишди. Лекин беллашувнинг иккинчи ярмида Алишер Азизов, Жасур Хасанов ва Сардор Мирзаевнинг аниқ зарбалари туфайли учрашув 3:0 ҳисобида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси фойдасига ҳал бўлди.

### ЭДУАРД ШОҶСУПАДА

Россияда спорт гимнастикаси бўйича ташкил этилган анъанавий халқаро турнирда қатнашган ҳақиқатимиз Эдуард Шалуев кўпқураш беллашувларида бронза медаль билан тақдирланди.

Моҳир спортчимиз кўпқураш дастурига киритилган машқлар орасида таяниб сакрашда биринчи, брусъда ва турникда бажарилган машқлар бўйича иккинчи ҳамда учинчи натижаларни қайд этиб, умумий натижага кўра, кучли уқликдан жой олди.

### БИШКЕКДАН БЕШТА МЕДАЛЬ

Бишкекда ўтказилган Қирғизистон очуқ чемпионати якунига кўра, ўзбекистонлик спортчилар тўртта олтин ва битта кумуш, жами бешта медалга сазовор бўлди.

Мусобақада эркин усулда эллик ва тўрт юз метрга сузишда ўзбекистонлик Владмир Шлемов ҳамда Иброҳим Назарова етадигани топилмади. Икки юз метрга

баттерфляй усулида сузиш бўйича ҳақиқатимиз Артур Қуманбаев ўзини кўрсатиб, маррага биринчи келди. Тўртинчи олтин медаль 4х100 метрга эркин усулда сузиш бўйича ўтказилган эстафетада қўлга киритилди. Максим Даниленко эса икки юз метрга комплекс сузишда иккинчи ўринни эгаллади.

### КИМ МАРРАДА БИРИНЧИ?

Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида өнгил атлетика бўйича ўтказилган анъанавий халқаро турнирдан ўнга яқин мамлакатдан келган спортчилар қаторида ҳақиқатимиз ҳам муносиб қатнашди.

Нуфузли мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган спортчилардан Екатерина Тунгукова 1500 ва 3000 метрга югуриш бўйича барча рақибларини ордта қолдириб, бир жуфт олтин медалга сазовор бўлди. Уч ҳатлаб ва узунликка сакраш беллашувларида қатнашган Александр Котлярова ҳам икки маротаба шоҳсупанинг өнг юқори поғонасига кўтарилди.

Өнгил атлетиканинг ядро улоқтириш тури бўйича Григорий Камуля, баландликка сакрашда Сергей Тимшин, найза отиш баҳсларида Лилия Дўсметова, икки юз ва саккиз юз метрга югуришда Юлия Жичкина ва Анна Сидорова тенг келадигани топилмади. Шунингдек, Анастасия Прошкина, Лидия Шахворостова, Оксана Кошелева, Юлия Жичкинадан иборат жамоамиз 4х100 эстафетада маррага биринчи келган бўлса, Зарина Тоирова, Анна Сидорова, Зарина Қодирова ҳамда Наталья Асанова 4х400 эстафетасида зафар кучди.

Бохир БЕК

### Юқумли касалликлар орасида ўткир ичак инфекцияси — ич терлама, ичбуруғ— дизентерия, сальмонеллез ва бир қанча хавфли ва кўп тарқалган касалликлар мавжуд. Ўткир юқумли ошқозон-ичак касалликлари кўкрак ёшидаги болаларда ва қарияларда, ҳомиладор аёлларда өнгир кечади.

Касаллик кўзгатувчиси турли микроблар. Яъни дизентерия микроблари, сальмонеллез вибрионлар билан ифлосланган озиқ-овқатлар, сут маҳсулотлари ва қўл орқали юқади, сув, ўйинчоқлар, сўргич орқали тушиб организмнинг касалланишига олиб келади.

Бу касалликлар кишининг организмига кирган микробнинг сонига, хилига, унинг касаллик пайдо қилиш қобилиятига ва организмнинг чидамлилигига қараб ҳар хил кечади.

Хасталикнинг дастлабки соатларида беморларда умумий захарланиш белгилари — лоҳаслик, ҳолсизлик, тананинг зирқираши, иштаҳанинг пасайиши, кўнгил айниши, қусиши, ич кетиши кузатилади. Касалликнинг ривожланиш даврида ҳар бир хасталикка хос ва мос бўлган барча белгилари намоён бўлади.

Дизентерия (ичбуруғ) — бошланишида ҳарорат 38-39 даражага кўтарилади. Қоринда өгриқ пайдо бўлади.Аввал бу өгриқлар симилловчи доимий өгриқлар бўлиб, сўнг туттиб-туттиб өгрийдиган бўлади, ичи тез-тез кетади.

Сальмонеллез хасталиги ҳар хил турда кечади. Касалликнинг өнгил турида

қоринда өгриқ пайдо бўлиб, кўнгил айниди, қайт қилади, ич кетади. Касалликнинг умумий аҳоли ўзагади. Харорати нормада бўлиши ёки бироз кўтариллиши мумкин, бундай ҳолларда поли-

қайт қилади, ичи кетади, натижада бо- ланинг холи қуриydi, оёқ-қўллари муз- лаб қотиши мумкин. Тез-тез қайт қилиш ва ичи кетиш натижасида бола орга- низми кўп сув, минерал элементларни

### Шифокор оғоҳлантиради

### ЎТКИР ЮҚУМЛИ ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИНГ

клиника шифокорига мурожаат қилиш керак.

Беморнинг умумий аҳоли өнгир бўлса, харорати 38-39 даражага кўтарилиб, қоринда өгриқ пайдо бўлганда, ичи кет- ганда холи қуриydi, сувсизланади, юрак қон-томирлари иши сусаяди, қон босими пасайиб, оёқ-қўллари тортиша- ди. Ёш болаларда сальмонеллез касал- лиги тўсатдан бошланиб, тана харора- ти 38-39 даража бўлади, бола тез-тез

йўқотади. Организм анча сувсизлана- ди, тана ва организмда модда алма- шинуви бузилади.

Сальмонеллез касаллиги ёш болада ҳар хил асоратлар билан кечиши мум- кин. Бу асоратлар асаб тизимида (мен- ингит, энцефолит) қон томирларида, буйрақда, жигар ва ўт пуфакларида пай- до бўлиши мумкин.

Ушбу хасталикларга чалинмаслик учун нималарга эътибор бериш керак?

### ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кўнлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
2857 нусхада босилди.  
Қроғ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича  
турар жойлардаги почта бўлимларига ёки  
«Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефони  
муурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер  
марказида терилди ва сақдаланди».

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
босмахоноси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.  
156 89